

**“БЕШАРИК ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ  
УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Фарғона вилояти, Бешарик тумани  
Бешарик кўчаси 7-уй**

**2023 йил 23 февраль**

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Фарғона вилояти, Бешарик тумани Бешарик кўчаси 7-уйда “Бешарик пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **10:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **10:50**

Акциядорлар умумий йиғилиши бошланган вақт: **11:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 4 323 140 донани ташкил этади.

“Бешарик пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг мазкур навбатдан ташқари умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) кузатув кенгаши қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2023 йил 17 февраль.

Жамиятнинг Бош директори в.в.б. П.Қурбонов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Фармонов Бахтиёр - “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши раиси, Давлат активларини бошқариш агентлигининг Фарғона вилоят ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи ўринбосари;

2. Маҳкамов Абдуҳалим – “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти кузатув кенгаши аъзоси, “Фарғонапахтасаноат” ХБ АЖ тугатиш комиссияси раиси;

3. Маннонов Ақром – акциядор.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб жамият кузатув кенгаши раиси Б.Фармонов ва йиғилиш котиби этиб жамият бош директори в.в.б. П.Қурбонов сайланди.

Шунингдек, кузатув кенгашининг 2023 йил 2 февралдаги йиғилишида санок комиссияси тузилмаганлиги сабабли, санок комиссиясига сайлаш учун номзодлари кўрсатилаётган “Фарғонапахтасаноат” ХБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси – Б.Халилов (комиссияси раиси), жамият материал ҳисобчиси – М.Зулфикоров (аъзо) ва акциядор - У.Маннонов (аъзо) томонидан бугунги умумий йиғилиш қворумини аниқлаш ва санок комиссияси баённомасини улар томонидан имзолаш очиқ овоз бериш йўли билан тасдиқланди.

Йиғилишни, раислик қилувчи Б.Фармонов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Б.Халиловга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2023 йил 20 февраль ҳолатига шакллантирилган “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 2167 та акциядорга тегишли 4323140 дон акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 3397212 дон овоз берувчи акцияларга эга бўлган 48 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий



овоз берувчи акцияларнинг 78,58 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Х.Мелиқўзиев – “LUX YAN TEX” МЧЖ раҳбари.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Фармонов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сонли “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Бешарик пахта тозалаш” АЖ ҳамда жамиятга қарашли “Рапкон”, “Яккатут”, “Бешарик” пахта тайёрлов маскаларининг бино-иншоотлари ва асосий воситаларини “LUX YAN TEX” МЧЖга баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан тўғридан-тўғри шартнома тузиш йўли орқали сотиш масаласи.
4. Жамиятни сотилиши йирик битим ёки йирик битим эмаслиги масаласини кўриб чиқиш.
5. Навбатдан ташқари умумий йиғилишга эълон берилганда 1 дона акциянинг бозор баҳосини кўрсатиб ўтиш ва сотиб олиш масаласини кўриб чиқиш.

Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 2 февралда ўтказилган мажлисида акциядорларнинг 2023 йил 23 февралда чақирилаётган умумий йиғилиши кун тартибида 6 та масала, жумладан 4-масалага Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига асосан “Бешарик пахта тозалаш” АЖ қарашли Данғара туманидаги “Найман”, “Окжар”, “Пахтакор” ва “Мулкобод” пахта тайёрлов маскаларининг бино-иншоотлари ва асосий воситаларини “MUSAVARTEX” МЧЖга баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шарти билан тўғридан-тўғри сотиш масаласи ҳам киритилган. Лекин, ушбу масканлар мол-мулклари “MUSAVARTEX” МЧЖ кластер корхонасига 2022 йил 24 июлда (бино-иншоотлар) ва 13 сентябрда (асбоб-ускуналар) тузилган олди-сотди шартномаларига асосан сотилган. Ушбу олди-отди шартномалар тузилишининг қонунийлиги бўйича суд жараёни давом этаётганлиги сабабли, ушбу масала бўйича суднинг якуний (кассация инстанциясида) қарори қабул қилингандан кейин акциядорларнинг кейинги умумий йиғилишларида кўриб чиқиш учун, бугунги умумий йиғилишида кўрмасдан қолдириш ва қолган 5 та масалани кўриб чиқиш таклиф қилинди. Таклиф йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Б.Фармонов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Жамият кузатув кенгашинининг 2023 йил 2 февралдаги йиғилишда санок комиссияси тузилмаган.



Санок комиссияси таркибига “Фаргонапахтасаноат” ХБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси – Б.Халилов (комиссияси раиси), жамият материал хисобчиси – М.Зулфикоров (аъзо) ва акциядор - У.Маннонов (аъзо) номзодларини тасдиқлаш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – (100 %) 3397212 та овоз; “Қаршилар” ва “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Уч кишидан иборат куйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Б.Халилов – санок комиссияси раиси;
- 2) М.Зулфикоров – санок комиссияси аъзоси;
- 3) У.Маннонов – санок комиссияси аъзоси.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи Б.Фармонов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш катнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибидаги 5 та масала бўйича маърузачиларга – 5-10 (беш-ўн) дақиқа оралиғида муҳокама учун вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – (100 %) 3397212 та овоз; “Қаршилар” ва “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият йиғилиш раиси Б.Фармонов сўзга чиқиб, куйидагиларни маълум қилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарорига (2-банди ва 1-илоvasи 23-қатори) асосан Бешариқ туманидаги “**Бешариқ пахта тозалаш**” АЖ ҳамда “**Ропқон**” ва “**Яккатут**” пахта қабул қилиш масканларини баҳоланган қийматда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шarti билан тўғридан-тўғри “Lux Yan Tex” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотиш белгиланган.

Шу ўринда, “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ (пахта тозалаш заводи) “Бешариқ” пахта қабул қилиш маскани (корхона қоши маскани) билан биргаликда бир худудда жойлашган.

“Olimp baholash va ekspertiza markazi” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан **2022 йил 20 мартда** “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ (корхона қошидаги “Бешариқ” маскани билан биргаликда) ҳамда унга қарашли “Ропқон” ва “Яккатут” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари **32 966 346 788 сўмга** (бино-иншоотлари 22 870 593 539 сўмга ва асбоб-ускуналари 10 095 753 249 сўмга) баҳоланган. Баҳолаш ҳисоботининг ҳаққонийлиги тўғрисида “Total estimate” МЧЖ 2022 йил 29 мартда экспертиза хулосасини берган.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига кўра, “Ўзпахтасаноат” АЖга пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерларига сотиш назарда тутилган пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг баҳолаш қийматидан бир йил мобайнида тўланганда - 50 фоиз миқдорида, икки йил мобайнида тўланганда - 40 фоиз миқдорида, уч йил мобайнида тўланганда - 30 фоиз миқдоридаги чегирмаларни тақдим этиш масаласида пахта тозалаш заводларининг бошқарув органларида ташаббус билан чиқиш тавсия этилган.

Бунда пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов масканларининг чегирмаларни ҳисобга олган ҳолдаги баҳоси уларнинг баланс қийматидан паст бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган.

“Lux Yarn Tex” МЧЖ 2023 йил 14 февралда 39-сонли хат билан “Бешарик пахта тозалаш” АЖга мурожаат қилиб, жамият мол-мулкларини бир йил муддатда 50 фоиз миқдорда чегирма асосида тўлаб бериш шarti билан олди-сотди шартномасини тузишни маълум қилган.

“Lux Yarn Tex” МЧЖга сотилиши кўзда тутилган “Бешарик пахта тозалаш” АЖ (корхона қошидаги “Бешарик” маскани билан биргаликда) ҳамда унга қаршли “Ропқон” ва “Яккатут” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари **32 966 346 788 сўмга** баҳоланган, мулкларни баҳолаш қийматининг 50 фоизи **16 483 173 394 сўмни** ташкил этади.

Бундан ташқари, “Бешарик пахта тозалаш” АЖнинг молиявий ҳолати барқарор бўлиб, 2023 йил 1 январ ҳолатига дебитор қрздорлиги **59 716,3 млн. сўм** ва кредитор қрздорлиги **1 196,6 млн. сўмни** ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига кўра ҳамда “Lux Yarn Tex” МЧЖ 2023 йил 14 февралда 39-сонли мурожаатини инобатга олиб “Бешарик пахта тозалаш” АЖ (корхона қошидаги “Бешарик” маскани билан биргаликда) ҳамда унга қаршли “Ропқон” ва “Яккатут” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулкларини (бино-иншоот ва асбоб-ускуналарини) “Lux Yarn Tex” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерига мол-мулкларни қуйидаги тартибда сотиш таклиф этилди:

- **1-таклиф:** беш йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик туловлар) шarti билан баҳоланган қийматда (32 966 346 788 сўм), қўшимча қиймат солиғи билан **36 922 308 403 сўмга** сотилсин;

- **2-таклиф:** бир йил муддатга бўлиб тўлаш шarti билан баҳоланган қийматининг 50 фоизига чегирма қўллаб (16 483 173 394 сўм), қўшимча қиймат солиғи билан **18 461 154 202 сўмга** сотилсин.

Акциядор А.Маннонов сўзга чиқиб, жамият мол-мулкларини кластер корхонасига бир йил муддатда тўлаш шarti билан 50 % чегирма билан сотиш таклифини қўллаб қувватлади.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов “Бешарик пахта тозалаш” АЖ мол-мулкларини “Lux Yarn Tex” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерига сотиш масаласига (беш йил муддатда бўлиб тўлаш шarti билан баҳолаш қийматида – қўшимча қиймати билан 36 922 308 403 сўмга сотишга ёки бир йил муддатда бўлиб тўлаш шarti билан баҳоланган қийматининг 50 фоизига чегирма қўллаб - қўшимча қиймат солиғи билан 18 461 154 202 сўмга сотишга) ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.



## Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

*Кластер корхонасига мулкларни беш йил муддатга бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик туловлар) шарти билан баҳоланган қийматда, қўшимча қиймат солиғи билан 36 922 308 403 сўмга сотишга:*

“Ёклаганлар” – (22,7%) 771740 та овоз; “Қаршилар” - (73,6%) 2500180 та овоз;  
“Бетарафлар” – йўқ, Овоз бериш белгиланмаган – (3,7%) 125292 та овоз.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

*Кластер корхонасига мулкларни бир йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳоланган қийматининг 50 фоизига чегирма қўллаб (16 483 173 394 сўм), қўшимча қиймат солиғи билан 18 461 154 202 сўмга сотишга:*

“Ёклаганлар” – (76,4%) 2596116 та овоз; “Қаршилар” - (23,5%) 799656 та овоз;  
“Бетарафлар” – йўқ. Овоз бериш белгиланмаган – (0,04%) 1440 та овоз.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 декабрдаги 747-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон қарори 5-бандига асосан “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ (корхона қошидаги “Бешариқ” маскани билан биргаликда) ҳамда унга қаршли “Ропқон” ва “Яккатут” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулклари (бино-иншоотлари ва асбоб-ускуналари) бир йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан баҳоланган қийматининг 50 фоизи миқдоридида чегирма қўллаб (16 483 173 394 сўм), қўшимча қиймат солиғи билан **18 461 154 202 сўмга** тўғридан-тўғри “Lux Yarn Tex” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластер корхонасига сотилсин.

2. “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ Бош директори в.в.б. П.Қурбоновга “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ мол-мулкларини сотиш бўйича “Lux Yarn Tex” МЧЖ билан белгиланган тартибда олди-сотди шартномасини тузиш вазифаси юклатилсин.

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** жамият йиғилиш раиси Б.Фармонов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 83-моддасига кўра жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг ўн беш фоизидан ортиғини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ (корхона қошидаги “Бешариқ” маскани билан биргаликда) ҳамда унга қаршли “Ропқон” ва “Яккатут” пахта қабул қилиш масканлари мол-мулкларини “Lux Yarn Tex” МЧЖ кластер корхонасига сотиш бўйича тузиладиган битим йирик битим ёки йирик битим эмас деб эътироф этишга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.



**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

***Йирик битим деб эътироф этишига***

“Ёқлаганлар” – (11,4%) 385744 та овоз; “Қаршилар” - (65,9%) 2240168 та овоз;  
“Бетарафлар” – йўқ. Овоз бериш белгиланмаган – (22,7%) 771300 та овоз.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

***Йирик битим эмас деб эътироф этишига***

“Ёқлаганлар” – (89,8%) 3051188 та овоз; “Қаршилар” - (4,9%) 166048 та овоз;  
“Бетарафлар” – йўқ. Овоз бериш белгиланмаган – (5,3%) 179976 та овоз.  
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг сотилиши йирик битим эмаслиги эътироф этилсин.

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** жамият йиғилиш раиси Б.Фармонов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

“Olimp baholash va ekspertiza markazi” МЧЖ баҳоловчи ташкилоти томонидан 2022 йил 28 мартда “Бешариқ пахта тозалаш” АЖнинг 1 дона оддий акцияси бозор қиймати 20999 сўмга баҳоланган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 40-моддасига асосан овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар:

жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида;

жойлаштирилган акцияларни йириклаштириш ҳақида;

ушбу Қонун 84-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмларига мувофиқ жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки бошқа шахсга бериш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида;

жамиятнинг уставига овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг ҳуқуқларини чекловчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги уставни тасдиқлаш тўғрисида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қарорлар қабул қилишда, агар улар қарши овоз берган бўлса ёхуд овоз беришда узрли сабабларга кўра иштирок этмаган бўлса, ўзларига тегишли акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисми жамият томонидан қайтариб сотиб олинишини талаб қилишга ҳақлидир.

Шу билан бирга, жамият акциядорлари Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддасида белгиланган тартибда дивиденд олиши ва 100-моддасида белгиланган тартибда жамият тугатилганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулк акциядорлар ўртасида тақсимланиши тўғрисида тушунтирилсин.

Йиғилиш раиси Б.Фармонов “Бешариқ пахта тозалаш” АЖ акциядорларидан уларга тегишли акцияларни қонунчиликда белгиланган тартибда бозор қийматида қайтариб сотиб олишга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – (34,3%) 1164576 та овоз; “Қаршилар” - (65,5%) 226652 та овоз;  
“Бетарафлар” – (0,1%) 1724 та овоз. Овоз бериш белгиланмаган – (0,01%) 4260 та овоз. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. “Бешарик пахта тозалаш” АЖ акциядорларига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг 51-моддасида белгиланган тартибда дивиденд олиши ва 100-моддасида белгиланган тартибда жамият тугатилганда кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулки акциядорлар ўртасида тақсимланиши тушунтирилсин.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул килинган қарорлар эълон килинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Фармонов акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  . **Б.Фармонов**

Йиғилиш котиби:  **П.Курбонов**

Йиғилиш баённомаси 2023 йил 23 февраль куни икки нусхада тузилди.